

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАКРОРИЙ ЖИНОИЙ ХУЛҚ-АТВОРИДА ПЕНИТЕНЦИАР ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Юсупов Ойбек Луқмон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими,

мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870207>

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишига таъсир қилувчи омиллар тизимида пенитенциар муҳит алоҳида ўрин тутати. Жазони ўташ жараёнида шаклланадиган қамоқхона субмаданияти, призонизация ва институционализация, шунингдек маҳкумни озодликка тайёрлаш, пробация билан узвий ҳамкорлик ҳамда ижтимоий мослаштириш механизмларидаги камчиликлар шахснинг кейинги хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис мазкур пенитенциар омилларни криминологик жиҳатдан ўрганиш ва уларнинг такрорий жиноятчиликка таъсирини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Пенитенциар муҳитнинг энг хавфли кўринишларидан бири қамоқхона субмаданияти ҳисобланади. В.Н. Кудрявцев таъкидлаганидек, жиноятчилар субмаданияти умумий маданиятдан ажралган автоном ижтимоий тизим бўлиб, у шахсда расмий ҳуқуқий қадриятлар ўрнига норасмий криминал қадриятларни шакллантиради¹. Л.А. Бакин ва Л.Ю. Пиджаковлар эса мазкур субмаданиятнинг асосий элементлари сифатида жиноий иерархия, "ўғрилар қонунлари", жаргон, татуировка, норасмий санкциялар ҳамда маъмуриятга қарши корпоратив бирдамликни кўрсатадилар. Бундай муҳитда маҳкум қонун талабларига эмас, балки криминал гуруҳнинг ички қоидаларига бўйсунишга мажбур бўлади². Натижада шахсда давлат ҳокимиятига нисбатан эмас, балки криминал муҳитга нисбатан лояллик шаклланади ва бу кейинги рецидив хулқининг ижтимоий асосини яратади.

Мазкур жараён криминологияда "prisonization" (призонизация) тушунчаси билан изоҳланади. Ушбу атама биринчи марта америкалик криминолог Дональд Клеммер томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у маҳкумнинг қамоқхона муҳитида яшаш давомида муассасанинг норасмий қоидалари, қадриятлари ва хулқ-атвор стандартларини ичкилаштириб бориш жараёнини англатади. Призонизация даражаси қанча юқори бўлса, маҳкумнинг жамият қоидаларига қайта мослашиши шунча қийин кечади³. Л.Б. Амонова ҳам маҳкумлар ўртасидаги норасмий муносабатлар, жиноий иерархия ҳамда криминал анъаналар шахснинг криминоген мотивациясини мустаҳкамловчи муҳим омил сифатида баҳолаган⁴. Бу ҳолат озодликка чиққанидан кейин ҳам шахснинг айнан қамоқхонада ўзлаштирилган моделлар асосида ҳаракат қилишига сабаб бўлади.

¹ Кудрявцев В.Н. Проблема мотивации в криминологии // Криминальная мотивация. - М., 1986. - 5-37-6.

² Бакин Л.А., Пиджаков Л.Ю. Криминальная субкультура осужденных как фактор формирования отклоняющегося и противоправного поведения // Уголовно- исполнительная система: право, экономика, управление. - 2004. №1. С 77.

³ Donald Clemmer Prisonization. URL: <https://nag.netlify.app/donald-clemmer-prisonization>.

⁴ Амонова Л.Б. Криминоген мотивацияни баҳолаш: маҳкумларнинг тузалиш даражаси ва жазони ўташ тартибини мустаҳкамлаш масалалари // Жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб муаммолари: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – ИИВ Академияси. – 2025. – Б. – 619-621.

Призонизация билан узвий боғлиқ бўлган яна бир жараён институционализация ҳисобланади. Эрвинг Гоффман (Erving Goffman) “тотал институтлар” назариясида таъкидлаганидек, инсон узоқ вақт давомида барча ҳаётий қарорлари муассаса маъмурияти томонидан қабул қилинадиган муҳитда яшаса, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти аста-секин сусаяди. Озодликдан маҳрум қилиш муассасасида кун тартиби, меҳнат, мулоқот, ҳаракатланиш ва ҳатто шахсий эҳтиёжларни қондириш ҳам ташқи бошқарувга бўйсундирилгани сабабли маҳкум ташқи назоратга қарам шахсга айланади⁵. Бундай институционал қарамлик озодликка чиққанидан кейин мустақил ҳаёт кечириш кўникмаларининг йўқолишига, ижтимоий стресснинг ортишига ва жиноятчиликка қайта мурожаат қилиш эҳтимолининг кучайишига хизмат қилади.

Пенитенциар тизимнинг яна бир муҳим камчилиги маҳкумларни озодликка пухта тайёрлаш механизмининг етарли даражада шаклланмаганлигидир. А.В. Наприс озодликдан маҳрум қилиш муассасаларидаги криминоген омилларни таҳлил қилар экан, жазони ўташнинг сўнгги босқичида шахсни жамиятга тайёрлаш бўйича индивидуал дастурларнинг йўқлиги энг муҳим хавф омилларидан бири эканлигини таъкидлайди⁶. Д.А. Таджибаева ҳам маҳкумнинг озодликдан кейинги ҳаётига оид режалаштириш ишлари, касбий йўналтириш, психологик тайёргарлик ва ижтимоий реабилитация чоралари етарли ташкил этилмаганлигини қайд этади⁷. Бу эса маҳкум озодликка чиққан заҳоти ижтимоий вакуум ҳолатига тушишига сабаб бўлади.

Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахс билан пробация хизмати ўртасидаги институционал узилиш ҳам такроран жиноятчиликнинг муҳим пенитенциар детерминанти ҳисобланади⁸. Халқаро амалиётда жазони ижро этиш муассасаси ва пробация хизмати ягона узлуксиз тизим сифатида ишлаши белгиланган бўлса, кўплаб мамлакатларда мазкур механизм тўлиқ шаклланмаган⁹. Натижада маҳкум муассасада тўпланган маълумотлар, психологик диагностика ва индивидуал профилактика дастурлари пробация органларига тўлиқ етказилмайди. Бу эса профилактик ишларнинг узлуксизлигини бузиб, озод қилинган шахснинг назоратсиз қолишига ҳамда аввалги криминал алоқаларга қайтишига замин яратади.

Жамиятга мослаштириш институтининг етарли даражада ишламаслиги ҳам пенитенциар тизимнинг энг жиддий муаммоларидан биридир. Ю.М. Антонян таъкидлаганидек, инсон озодликдан маҳрум қилинган даврда ижтимоий роллардан узилади, унинг оилавий, меҳнат ва жамоатчилик муносабатлари деформацияга

⁵ Davies C. Goffman's Concept of the Total Institution: Criticisms and Revisions // Human Studies. – 1989. – Vol. 12, No. 1/2. – P. 77–95. – URL: <https://www.jstor.org/stable/20009046>.

⁶ Наприс А.В. Психологическая характеристика личностных жизненных планов и их влияния на поведение осужденных молодежного возраста (на материалах исправительных колоний строгого режима): Автореф. дисс. канд. психол. наук. – Рязань. 1997. – Б 15. <https://studfile.net/preview/11102068/page:5/>.

⁷ Таджибаева Д.А. Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2022. – Б. 84.

⁸ Нурматов Р. Пробация институтининг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти // inLibrary. – 2025. – URL: <https://inlibrary.uz/index.php/scin/article/view/133391>.

⁹ Болтаев М. Становление института пробации в Республике Узбекистан // Review of Law Sciences (Uzbek Law Review). – 2020. – № 1. – С. 82–84. – URL: https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/1816.

учрайди¹⁰. Агар ушбу муносабатларни тиклаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмаса, шахс озодликка чиққанидан кейин ижтимоий вакуумни айнан аввалги криминал муҳит орқали тўлдиришга ҳаракат қилади. Шу боис жамиятга мослаштириш фақат касб ўргатиш билан эмас, балки шахснинг ижтимоий идентификациясини қайта шакллантириш жараёни сифатида қаралиши лозим.

Г.Й. Шнайдернинг фикрича, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида инсонда “ижтимоий деградация” жараёни юзага келади ва маҳкумлар расмий жамиятга муқобил бўлган алоҳида ижтимоий тизимни яратадилар¹¹.

О.В. Старков¹² ҳамда Д.А. Таджибаева¹³нинг тадқиқотларида таъкидланганидек, пенитенциар муассасада криминоген муҳитнинг шаклланишига фақат маҳкумлар эмас, балки муассасанинг ўзига хос ташкилий муҳити ҳам сабаб бўлади. Назоратнинг формаллашиши, тарбиявий ишлар самарадорлигининг пастлиги, ходимларнинг касбий тайёргарлиги етарли эмаслиги, коррупция элементлари ва маҳкумлар билан ноқонуний муносабатлар жазонинг тарбиявий функциясини заифлаштиради. Бундай шароитда маҳкум жазони давлатнинг ахлоқий таъсири сифатида эмас, балки кучли томоннинг мажбурлови сифатида қабул қилади. Бу эса жазонинг махсус профилактик мақсадларига эришиш имкониятини кескин пасайтиради.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, пенитенциар омиллар такроран жиноят содир этишнинг мустақил криминоген детерминантлари сифатида баҳоланиши лозим, деган хулосага келиш мумкин. Қамоқхона субмаданияти, призонизация, институционализация, озодликка тайёрлаш тизимининг етарли эмаслиги, пробация билан институционал узилиш ҳамда жамиятга мослаштиришнинг сустлиги ўзаро боғлиқ ягона криминоген механизмни ташкил этади. Шунинг учун такроран жиноятчилик профилактикасини фақат жазо муддатини ўташ даври билан чеклаш мумкин эмас. Самарали профилактика маҳкум муассасага кирган вақтдан бошлаб озодликдан кейинги ижтимоий мослашув тўлиқ якунлангунга қадар давом этадиган узлуксиз пенитенциар-пробация-жамиятга мослаштириш моделига асосланиши зарур. Айнан шундай ёндашув жазонинг конституциявий мақсади бўлган маҳкумни ахлоқан тузатиш ва такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш вазифасини тўлиқ таъминлайди.

¹⁰ Антонян Ю.М. Психологическое отчуждение личности и преступное поведение (генезис и профилактика дезадаптивных преступлений).-Ереван, 1987

¹¹ Шнайдер Г.Й. Криминология: Пер. с нем. / Под общ. ред и с предисл. Л.О.Иванова. - М., 1994. – Б. 167.

¹² Старков О.В. Бытовые насильственные преступления. - Рязань, 1992. – Б. 46.

¹³ Таджибаева Д.А. Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштириш. Афтореф. дисс. ю.ф.ф.д. (PhD). –Т., 2022. – Б. 121.